

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Шокирова Гулбахор Шарипджановна,
НамМҚИ катта ўқитувчиси

E-mail: gulbahor_shakirova@mail.ru

Аннотация: Ўзбекистон ривожланишининг ҳозирги босқичида инновация фаолияти, инсоният тараққиёти ва иқтисодий ўсиш барқарорлигининг асосий омилига айланмоқда. Шу маънода мақолада инновацияларни алоҳида корхоналар ва қолаверса бутун иқтисодиётнинг фаолият кўрсатишига таъсирини ўрганган ҳолда республикада ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар натижаси таҳлил қилинган ва уни ривожлантириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар баён этилган.

Аннотация: В настоящее время основным фактором устойчивого экономического роста экономики и человеческого потенциала Узбекистана становится развитие инновационной деятельности. В этой связи в статье анализируются результаты инновационной деятельности, учитывая влияние инноваций на отдельные предприятия и на всю экономику страны в целом. В статье излагаются предложения и рекомендации по ее развитию.

Abstract: At present, the development of innovative activity is becoming the main factor of sustainable economic growth of the economy and human potential of Uzbekistan. In this connection, the article analyzes the results of innovation activities, taking into account the impact of innovation on individual enterprises and the entire economy of the country as a whole. The article contains proposals and recommendations for its development.

Калит сўзлар: диверсификация, модернизация, ҳаракатлар стратегияси, инновацион фаолият, баҳолаш, самарадорлик, салоҳият.

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги[1] фармонида «... иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш» тўғрисида белгиланганлиги мамлакатимиз саноат тармоқларини модернизациялаш яқин йилларда ва келгусида республикада ҳал қилинадиган энг устувор вазифалардан биридир.

Ушбу устувор вазифани адо этиш саноат корхоналари олдига ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, бозор рақобатларига бардош бериш, ўз мижозларини кўпайтириш, шу асосда пировард натижада олинган фойдани янада кўпайтиришга, корхоналарда инновацион бошқарув усулларини такомиллаштиришни асосий вазифа қилиб қўймоқда.

Ҳозирги кун бозор иқтисодиёти шароитида инновацион салоҳият самарадорлигини аниқлаш (ҳисоблаш) муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, корхоналарда инновацион салоҳиятни баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин[2]

- илмий-техник салоҳият (илмий даражага эга ходим сони; бир ходимга тўғри келадиган рационализаторлик таклифлар сони; патентлар сони ва бошқалар);

- коммерциализация кўрсаткичлари (ишлаб чиқараётган ҳажмида янги маҳсулот улуши; лицензия шартномалари сони ва бошқалар);

- бажарилаётган ишларнинг давомийлиги (инновацион даврнинг катталиги);

- инновациянинг бошқарилаётган тизими тавсифи (корхонада инновацион фаолиятни рағбатлантириш шакллари, юқори даражадаги раҳбарларнинг инновацион лойиҳаларни амалга оширишда қатнашиши, инновацион фаолиятга қатнашувчиларга эркинлик даражасини таъминланиши).

Бундан кўринадики, инновацион фаоллик иқтисодиёт тараққиёти ва корхона фаолиятининг таянчи, унинг моҳияти ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида янгилик излашга мойил, рақобатли курашда муваффақиятга эришиш, инновацион салоҳиятни оширишга, корхона истиқболини олдиндан кўра оладиган корхона ёки ташкилот раҳбари эга бўла олади. Бу кучли рақобат шароитларида корхона фаолиятини узвийлиги ва узлуксиз яшовчанлик эҳтиёжларини таъминлаш учун имконият яратади. Инновацион фаоллик рақобат қонуни бўлиб, бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ва усиз ҳар қандай бозор тизими албатта муваффақиятсизликка учрайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Корхоналар инновацион салоҳиятини бошқариш, инновацион бошқарув усулларини такомиллаштириш масалалари мамлакатимиз, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари томонидан назарий ҳамда илмий нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилган. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхоналар инновацион салоҳиятини бошқариш хорижий иқтисодчи олимлар Р.И. Гимуш, Ф.М. Матмуратов [3], В.М. Аншин [4], В.Зомбарт, В.Митчерлих, Г.И. Просветов [5], Й. Шумпетер, Х.Мончев, И.Перлаки, Л.Н. Васильев [6], Э. Менсфилд, С. Каплан, Б.Н. Кузык, Ю.Б. Яковец [7] Р.Фостер, Б.Твист, Э.Рожаерс ва бошқаларнинг асарларида ёритиб берилган.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхонада инновацион салоҳиятни бошқариш масалалари бўйича иқтисодчи олимлар Н.Қ.Йўлдошев,

Ш.А.Мирсаидова, Е.Д. Голдман [8], Ш.Зайнутдинов [9], Т.Ш. Шодиев [10], Ф.Эргашев, Д.Раҳимова, А.Сагдуллаев, О.Парпиев [11], Н.Б.Эрмасов, С.Б.Эрмасов, ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Аммо иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизация қилиш шароитида тарокибий ўзгаришлар асосида корхоналарнинг инновацион салоҳиятини бошқариш ҳамда инновацион фаолият самарадорлигини баҳолаш айниқса, кескин рақобат шароитида ҳар бир корхоналарнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишида долзарб масала бўлиб, уни илмий жиҳатдан янада чуқурроқ тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот методологияси

Инновацион салоҳиятнинг умумий иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мумкин:

1. Интеграл самарадорлик - \mathcal{E}_T :

$$\mathcal{E}_T = \sum_{t=0}^{T_p} (P_t - Z_t) \cdot \alpha_t$$

Бу ерда: T_p - келгуси давр;

P_t - t -йил натижаси;

Z_t - t -йилда инновациялар учун харажат;

α_t -дисконтланган коэффицент.

Интеграл самарадорликни бошқача, соф дисконтланган даромад, соф ҳозирги қиймат ёки соф камайтирилган қиймат деб ҳам аталиши мумкин.

Инновациялар рентабеллиги индекси - J_R . Уни даромад ёки фойда индекси деб ҳам аташ мумкин. Даромадлилик индекслари ҳисобот давридаги қилинган даромадларнинг қайтарилган қиймат индекси ҳисобига нисбати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$J_R = \frac{\sum_{t=0}^{T_p} D_j \cdot \alpha_t}{\sum_{t=0}^{T_p} K_t \cdot \alpha_t}$$

J_R - рентабел индекси;

D_j - t -давр даромади;

K_t - t -даврда инновацияларга қилинган инвестицияларнинг миқдори.

Агар интеграл самарадорлик- \mathcal{E}_i ижобий бўлиб, рентабел индекси $J_R > 1$ бўлса, бу икки кўрсаткич бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. рентабел индекслари Индекс рентабельности тесно связан с интегральным эффектом, если интегральной эффект \mathcal{E}_i положителен, то индекс рентабельности $J_R > 1$, и наоборот. $J_R > 1$ да инновацион лойиҳа иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади Аксинча, лойиҳа рентабеллик индекси $J_R < 1$ -самарасиз деб ҳисобланади.

3. Рентабеллик меъёри E_P . Бир неча йиллар учун дисконтланган даромадларнинг қиймати инновацион инвестицияларга тенглаштирилган

чегирмаларнинг ставкасини акс эттиради. Бундай ҳолда инновацион лойиҳанинг даромадлари ва харажатлари ҳисобланган вақтга тўғри келади:

$$D = \sum_{t=0}^T \frac{D_t}{(1+E_p)^t} \quad K = \sum_{t=0}^T \frac{K_t}{(1+E_p)^t}$$

Д-йиллик пул даромадлари;

К- инновацияларга қилинган дастлабки инвестициялар.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиши инновация, янги техника ва технологияларнинг ишлаб чиқаришга татбиқ этишга боғлиқ бўлиб, бу инсоният тараққиёти ҳамда назарий –амалий билимлар боғлиқлиги билан амалга оширилади. Инновацияларни алоҳида корхоналар ва қолаверса бутун иқтисодиётнинг фаолият кўрсатишига қай даражадаги таъсирини чуқур ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасида ушбу соҳада амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Турли мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг инновацион салоҳиятини баҳолашда эса қуйидагиларни аниқ белгилаш лозим:

1. Корхоналарни инновацияларнинг рискли йўлига қадам қўйишига ундовчи рағбатлар.

2. Корхоналар учун инновацияларни амалга ошириш [2].

Макродаражада инновациялар самарадорлигини аниқлашда мамлакатда яратилаётган инновацион маҳсулотлар, ишланмалар ва хизматларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда ўзлаштириш сифатли, рақобатбардош, янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки янада самарали ва модификацияланган технологиялардан фойдаланиш асосида олаётган фойда миқдорини оширишга эришиш билан баҳоланади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси корхоналари томонидан яратилаётган инновацион маҳсулотлар, ишланмалар ва хизматларнинг иқтисодий кўрсаткичлари

Йиллар	Жами инновацион маҳсулотлар, ишланмалар ва хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар, бирлик	Инновацион маҳсулотлар, ишланмалар ва хизматлар ҳажми, млрд. сўм	Инновацион маҳсулотлар, ишланмалар ва хизматлар учун харажатлар млрд. сўм
2010	289	1849	264,4
2011	385	1348,7	372,6
2012	338	3635,9	311,9
2013	683	4614,7	4634,2
2014	1601	7043	3757,4
2015	2134	8023	5528,5
2016	2374	10688,2	2571,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилда 289 та корхона 1849 млрд. сўмлик инновацион маҳсулотлар,

ишланмалар ва хизматлар ишлаб чиқарган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 2374 та ва 10688,2 млрд. сўмни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, ушбу корхоналар сонини шу даврларда фаолият кўрсатган жами корхоналар сонига нисбатан оладиган бўлсак, инновацион маҳсулотлар, ишланмалар ва хизматлар ишлаб чиқариш билан шуғулланган корхоналар 2010 йилда (229,9 минг) атига 2,3 фоиз ва 2016 йилда (285,3 минг бирлик) эса 12,0 фоизга тенглиги аниқланди.

Муваффақиятли инновациялар фойда ва ҳаттоки қўшимча фойда келтиради. Бироқ қўшимча фойда ёки қўшимча фойда йўлидаги инновацион бўсақадан барчаси ҳам ўта олмайди. Янги маҳсулот ва технологияларни ўзлаштириш даврида харажат баланд бўлади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси корхоналари томонидан яратилаётган инновацион маҳсулотлар, ишланмалар ва хизматларга қилинган харажатлар 2010 йилда 264,4 млрд. сўмга тенг бўлган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 2571,4 млрд. сўмга тенг бўлиб, 2015 йилга нисбатан 53,5 фоиз камайган.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг “саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги[12] қарори қабул қилинган. Унга кўра, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда сотиш ва шу асосда саноат ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши ва экспорт салоҳият ўсишини таъминлаш кўзда тутилган.

Инновацион салоҳият тактик ва стратегик кўринишга эга бўлган қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

- ташқи ва ички бозорлардаги маҳсулотнинг реал рақобатбардошлигини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш умумий харажатларини минимумга олиб келган ҳолда сифатнинг берилган даражасини таъминлаш;
- инвестицияларнинг зарурий ҳажмини ва уларни инновацион жараён босқичларини ҳамда иштирокчилари ўртасида тақсимланишини аниқлаш;
- янги маҳсулот сифатига бўлган харажатлар ва ишлаб чиқарувчининг инновацион фаолияти натижаларининг ўзаро алоқасини аниқлаш.

Бозор иқтисодиёти шароитларида инновацияларни амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳисобга олинадиган натижа ва харажатларга боғлиқ ҳолда самарадорликнинг қуйидаги турлари мавжуд. (2-расм).

Умуман олганда, инновацион салоҳиятнинг энг қулай вариантини танлаш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш муаммоси, бир томондан, инновациялардан олинган пировард натижанинг, уларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш харажатларидан юқори бўлишини, иккинчи томонидан эса,

олинган натижаларни бошқа ўхшаш инновациялардан олиниши мумкин бўлган натижалар билан таққослашни талаб этади.

Миллий иқтисодиётни инновацион салоҳияти, корхоналар ишлаб чиқараётган товарларга доимий тарзда янги ўзгартиришлар киритилишига, янги маҳсулотлар яратилишига, истеъмолчилар талабларини қондириш учун илмий-техник тараққиётнинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилишида намоён бўлади. Буларнинг барчаси бозордаги мавжуд мавқени ушлаб туриш, корхонанинг узоқ муддатли иқтисодий самарадорлигини таъминлаш ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига имконият беради.



2-расм. Инновацион маҳсулотлар, ишланмалар ва хизматларнинг самарадорлик турлари

Манба: Муаллиф ишланмаси.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, инновация доимий равишда ҳаракатда бўлувчи, янги тур маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва янгилиниб турувчи иқтисодий ҳолатдир. Инновацион салоҳият иқтисодий ривожланишни илмий-техникавий ёки ишлаб чиқариш жараёнини амалий жиҳатдан тубдан янгилаш ва такомиллаштиришнинг асосий омили эканлигидан келиб чиққан ҳолда, фундаментал илмий тадқиқотлар асосан иқтисодиёт тармоқларини самарали ривожлантириш бўйича тегишли иқтисодий сиёсатга асосланган ҳолда олиб бориши лозим.

Шунингдек, инновацион салоҳият янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, мавжудларини рағбатлантириш ҳисобига янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатишни ташкил этишда ўз ифодасини топади. Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш, келгусида ушбу соҳадаги бошқарув тизимини мустақкамлаш, янги тур маҳсулот ишлаб чиқариш ва янги технологияларни яратувчи ходимларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, 28 (6722)-сон.
2. Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнал №1 2011 й.
3. Гимуш Р.И., Матмуратов Ф.М. Инновацион менежмент Ўқув қўлланма. - Т.: 2008 й.
4. Аншин В.М. и др. Инновационный менеджмент. - М.: Дело, 2003.
5. Просветов Г.И. “Экономика предприятия: задачи и решения”. Учеб. практическое пособ. – М.: Альфа-Пресс, 2009.
6. Васильев Л.Н. Развитие инновационной деятельности в США или как удвоить ВВП. – М.: Экономика, 2005.
7. Кузык Б.Н., Яковец Ю.Б. Россия – 2050 Стратегия инновационного развития. –М.: Экономика, 2004.
8. Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Е.Д. Инновацион менежмент. Дарслик. – Т.; 2011.
9. Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011.
10. Шодиев Т.Ш. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011.
11. Эргашев Ф., Рахимова Д., Сагдуллаев А., Парпиев О., Зайнутдинов Ш. Инновацион менежмент. Дарслик”. – Т.; Академия, 2003.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2012 йил 28 ноябрдаги қарори.